

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ ҲАМДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

**Файзуллаева Турсуной Рахматуллаевна,
ТИҚХММИ доценти, и.ф.н.**

**Икромов Сурайё Асқаровна,
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси**

**Рустомов Дилбар Рустомовна,
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси**

Аннотация: Мақолада республикамізда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган, Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш афзалликлари ва имкониятлари илмий жиҳатдан ёритилган.

Аннотация: В статье приведен теоретический и практический анализ текущего состояния развития плодовоовощной сферы в нашей стране, раскрыты в научном аспекте преимущества и возможности плодовоовощной продукции в Узбекистане.

Abstract: The article presents theoretical and practical analysis of the current state of development of the fruit and vegetable sector in our country, the advantages and opportunities of fruit and vegetable products in Uzbekistan are disclosed in the scientific aspect.

Ключевые слова: сельское хозяйство, плодовоовощная продукция, аграрная сфера, фермерское хозяйство, готовая продукция, мировой стандарт.

Кириш

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талабни тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда рақобат муҳитини шакллантириш орқали уларни рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритувчи механизмларни кенг кўламда жорий қилиниши долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мева-сабзавотчилик соҳасини мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини тўғри баҳолаган ҳолда, иқтисодиётни босқичма-босқич эркинлаштириш шароитида айнан ушбу тармоқни ривожланишида туб бурилиш яшаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709-сонли фармони ҳамда 2009 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳукумат томонидан бу тармоққа қанчалик эътибор билан муносабатда бўлаётганлигидан далолат беради.

Шу боисдан, республикада мева-сабзавотчилик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш ва уни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар тайёрлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Л.С.Микулович и др. «Товароведение продовольственных товаров» – ушбу манбада дон ва дуккакдилар, мевалар, сабзавотлар, картошка ва сут маҳсулотларининг озуқавий қимматлилиги, кимёвий таркиби, сифати ва сақлаш жараёнидаги талаблар, сақлаш технологиялари атрофлича баён қилинган.

А.Ф.Джафаров «Товароведение плодов и овощей» – ушбу манбада мевалар, сабзавотлар, илдизмеваларнинг кимёвий таркиби, уларни сақлаш пайтидаги мевалар таркибида юз берадиган биохимик жараёнлар атрофлича ёритилган. Шунингдек, сақлаш усуллари, ҳар бир усулнинг мевалар сифатига таъсири тўғрисида атрофлича маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар бугунги кундаги маълумотлар билан таққослаш орқали илм-фан ва амалиёт тарққиётидаги ўзгаришлар ва фундаментал билимларнинг барҳаётлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади.

Е.Н. Михеева, М.В. Сероштан “Управление качеством” китобида маҳсулотларни охирги истеъмолчиларга етказиб беришдаги сифат замонавий менежментининг ўрни, маҳсулотлар сифатини бошқариш шакллари ва усуллари эволюцион ўзгариб бориши, маҳсулотларнинг сифатини бошқаришда менежмент тизими, аудити, маҳсулотлар сифатини йиғиб олиш, сақлаш ва савдо жараёнларидаги маҳсулотга қўйиладиган талаблар доирасида сертификациялаш масалалари ўрин олган [3].

А.В. Литвинова “Управление качеством продовольственных товаров: теория, методология, практика китобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини бошқаришда назарий масалалар юзасидан муаллифнинг ўз мулоҳазалари ўрин олган. Муаллиф, маҳсулотларнинг сақлаш ва савдога чиқиши жараёнларидаги сифатини аниқлаш, сақлаш ва баҳолаш масалаларини қамраб олган сифатни бошқаришдаги тизимли ёндашувларини баён қилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимидаги ўрни ва ролини тавсифлаб берган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни бажариш жараёнида монографик ўрганиш, абстракт фикрлаш, иқтисодий таҳлил, илмий кузатиш, тажрибаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон иқтисодиётида мева-сабзавотчилик тармоғининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу тармоқ озиқ-овқат саноатини хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавотларни ташқи бозорларга экспорт қилиш натижасида мамлакатимизнинг валюта захиралари мустаҳкамланмоқда.

Мева-сабзавот етиштиришда ердан самарали фойдаланишда ернинг унумдорлигини ошириш йўли билан ҳосилдорликни оширишга эришилса, қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланади, ердан самарали фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий мустақиллиги ошади, уларнинг фаолиятига ташқи таъсир камаяди ва мева- сабзавот ялпи маҳсулоти кўпаяди. Қуйидаги 1-жадвалда барча тоифадаги хўжаликларда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасининг таҳлил натижалари келтирилган. Барча тоифадаги хўжаликларда мева-сабзавот ерларидан самарали фойдаланган ҳолда етиштирилган

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасининг таҳлил натижаларига кўра 2016 йилда 2012 йилга нисбатан етиштирилган мева резаворлар 48,2 фоизга, узум 44,0 фоизга, сабзавотлар 45,1 фоизга, полиз экинлари 44,2 фоизга ошган.

1-жадвал

Республикада мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси, минг тонна

Т/р	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йил 2012 йилга нисбатан (%)
1.	Картошка	2056	2250	2452,4	2696,9	2958,3	143,9
2.	Сабзавот	7767	8400	9286,7	10129,3	11272,5	145,1
3.	Полиз маҳс.	1418	1558	1696,1	1853,6	2045,2	144,2
4.	Мевалар	2053	2260	2490,6	2746,1	3042,7	148,2
5.	Узум	1205	1322	1441,2	1579,3	1735,3	144,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси

Мева-сабзавотчилик қуйи тармоғининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири экин турлари бўйича ҳосилдорлик даражасидир. Аграр тармоқда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик янгилаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши ва инновацион ғояларни жорий этиш борасида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар натижаси ўлароқ ўтган давр давомида сабзавотлар, картошка, полиз экинлари ҳамда мева ва узумлар ҳосилдорлигида сезиларли ўсиш юз берди. Бунга 2-жадвал маълумотларини таҳлил этиш асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Маълумотларга кўра 2016 йилда 2012 йилга нисбатан картошка ҳосилдорлиги 195,7 центнердан 228,1 центнерга ёки 16,6 фоизга ошган, сабзавот ҳосилдорлиги 263,7 центнердан 291,7 центнерга ёки 10,6 фоизга ошган, ва полиз экинлари ҳосилдорлиги 187,3 центнердан 212,4 центнерга ёки 13,4 фоизга ошган. Қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлиги ошган. Мева-сабзавотдан юқори ҳосил олингани, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайгани қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот етиштириш тармоғидаги туб сифат ўзгаришларнинг самарасидир.

2-жадвал

Мева-сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ўзгариши

(ц/га)

Т/р	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йил 2012 йилга нисбатан (%)
1.	Мева ва резаворлар	97,3	104,7	112,3	116,0	130,2	133,8
2.	Узум	97,8	108,6	116,1	120,7	140,6	143,8
3.	Картошка	195,7	203,7	210,7	213,6	228,1	116,6
4.	Сабзавотлар	263,7	265,6	270,9	268,3	291,7	110,6
5.	Полиз	187,3	200,3	200,0	201,3	212,4	113,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг йирик тармоғи сифатида агросаноат мажмуасининг қуйи тармоғини акс эттиради. Бу соҳа ўз ичига мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликлар, илмий тадқиқот институтлари, уларнинг филиаллари, уруғчилик тажриба станциялари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари ва уларни сотиш билан шуғулланувчи бир қатор савдо ва экспорт компанияларини ўз ичига қамраб олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш бевосита ушбу тармоқ тараққиётини тизимли тарзда комплекс амалга ошириш услугиёт ва усуллариини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнгги даврда мева-сабзавотчилик тармоғида бозор муносабатларини жорий этиш борасида босқичма-босқич иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги йиллар давомида мева-сабзавотчилик тармоғида юз бераётган ўзгаришлар асосан қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

- мева-сабзавотчиликни ривожлантиришни аграр иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлардан бири сифатида тан олиниши;
- мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга ажратиладиган ерларнинг кенгайиб бораётганлиги;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда илғор технологияларни жорий этиш кўламининг ортиб бораётгани;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш борасида йирик давлат дастурларининг амалга ошириладигани ва ҳоказо.

Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга республикада давлат тамонидан алоҳида эътибор берилиб, мева-сабзавотчилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларга давлатнинг ўрни сезилиб турмоқда. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида мева-сабзавотчилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг маркази ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи асосини деҳқон ва фермер хўжаликлари эгаллайди. Демак, бундан хулоса қиладиган бўлсак, тармоқдаги иқтисодий муносабатлар шаклланишининг дастлабки ва энг асосий бўғини бу мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўғини ҳисобланади (1-расм).

Ушбу хулосага таянган ҳолда назаримизда, мева-сабзавотчилик соҳасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини куйидаги йўналишлар ва хўжалик, иқтисодий алоқалари доирасида гуруҳларга ажратиш мумкин

1. Мева-сабзавотчилик хўжаликларида маҳсулот етиштириш, уларни сотиш, ресурслар таъминоти, хизматлар бозоридаги тизимлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими. Бу ерда асосан мева-сабзавотчилик хўжаликлари билан, давлат бошқарув идоралари ўртасидаги мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш маҳсулотни сотиш, нав яратиш ва уларни оптимал ҳолатларда жойлаштириш масалалари юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий муносабатлар тизими асос қилиб олинади.

2. Мева-сабзавотчилик хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатларни тизими. Бунга мева-сабзавотчилик хўжаликлари доирасидаги маҳсулот етиштириш, уни сотиш, ресурслар ва хизматларни харид

қилиш юзасидан фаолиятни бошқариш ва уларни режалаштиришнинг ташкилий-иқтисодий тизими киради.

Санаб ўтилган иқтисодий муносабатлар тизимлари ўз ўрнидаги янада кичикроқ ва мураккаброқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидан ташкил топган бўлиб, унинг асосини мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликларнинг моддий манфаатдорлиги тизими ташкил этиш лозим. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, мева-сабзавотчилик тармоғининг бозор шароитидаги барқарор ривожланиши, мева-сабзавот етиштирувчи деҳқоннинг манфаатини тўлиқ ҳисобга олиш бевосита боғлиқдир. Чунки барча шароитлар тенглиги шароитида, етиштирилган мева-сабзавот миқдори, сифат кўрсаткичлари, таннархи, нарх шаклланиши омиллари (истеъмол хусусиятлари), натижада жамият учун келтирилган фойда миқдори айнан дастлабки бўғин ҳисобланган маҳсулот етиштириш жараёнида шаклланади.

Хомашёнинг сифатли қайта ишланиши оралиқ маҳсулотлар ва шунингдек тайёр маҳсулот сифатида ҳам аксини топади. Янги технологиялар жорий этилиши ҳисобига тайёр маҳсулотларни сифатини, истеъмол хусусиятлари ўзгартириш мумкин, аммо, биогенетик жараёнлар маҳсули бўлган, етиштирилган мева-сабзавот сифатини яхшилаш мумкин эмас.


Республикамизда сўнгги йилларда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифатини оширишда, жаҳон бозори истеъмолчиларнинг талабларига мослашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мева-сабзавотчилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг қанчалик бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда ташкил этилиши даражаси, мева-сабзавотчилик соҳаси иқтисодий ривожланиши ва маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлиги даражасини белгилаб беради.

Бозор шароитида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортиши энг аввало етиштирилаётган маҳсулотларга бозор талабининг мавжудлиги билан белгиланади. Шунингдек, маҳсулотнинг сифати, етиштиришга сарф қилинган ресурслар миқдори бозоридаги талаб ҳажми ўзгаришига туртки беради. Шу боисдан ҳам мева-сабзавотчилик хўжаликларида мева-сабзавот навларининг тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, истеъмол сифати юқори бўлган ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган ички ва ташқи бозор талабига жавоб бера оладиган навларини илмий асосланган жойлаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида тармоқларни ривожлантириш мутаносиблигига эришиш, мамлакат ички бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини мустаҳкам ривожлантириш, қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларининг экспортини кучайтириш, пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотлар давр талабларига мос равишда амалга оширилиб, унинг асосий мақсади - мамлакат ички бозори (аҳолининг истеъмол озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналари учун эса хомашё маҳсулотлари) ва жаҳон бозори талаблари (хомашё ва тайёр маҳсулот сифатида) асосида етиштирилишига қаратилмоқда. Бу тадбирлар мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан қабул қилинаётган тадбирлар орқали иқтисодий қўллаб-

қувватланиб, тегишли дастурлар ва чора-тадбирлар аниқ мақсадли ва тизимли бўлишига эришилмоқда.



1 – расм. Мева-сабзавотчилик тармоғида иқтисодий муносабатлар тизими

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Аммо амалга ошириладиган тадбирларга қарамай, республикада қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш даражаси аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг тайёр озиқ-овқат товарларига бўлган талабига, мавжуд имкониятлар ва ресурсларга мос келмаётганлиги, кўплаб қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб турган қувватлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб кетганлиги, уларни яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган янгилаш ҳамда модернизациялаш тадбирларини ишлаб чиқиши талаб этилмоқда. Бу ҳолатлар пировард натижада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари турларининг чекланиб қолишига, маҳсулот сифати эса ошиб бораётган талабларга жавоб бермаслигига сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, аграр соҳани рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик ва ўзумчилик соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда самарали тизим сифатида агросаноат мажмуаси (АСМ) тармоқлари ўртасида етакчи ўрин тутди. Шунингдек, ўшбу соҳа қишлоқ хўжалигининг экологик жиҳатдан, атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказишда ҳам самарали соҳа ҳисобланади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева- сабзавот ва ўзум маҳсулотларини етиштириш, истеъмол ҳажми ва турларини кенгайтиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Аммо мева-сабзавот ва ўзум маҳсулотлари бозорида хилма-хил умумий иқтисодий манфаатлар ва алоқаларнинг аксарияти мақбул тартибга солинмаган. Шу боис, юқорида қайд этилган омиллар мева-сабзавотчилик ва ўзумчилик қўйи мажмуасида инновацион ва замонавий технологияларни жорий қилиш, диверсификациялашни кучайтиришни тақозо этади. Ўшбу жиҳат эса республика иқтисодиёти ривожланишининг ўстувор йўналиши ҳисобланиб, илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг рақобатбардошлик жиҳатдан ўстунлиги уларнинг ўзига хос таъми ва экологик тозаллиги билан боғлиқ. Масалан, ўзумнинг маҳаллий сортлари таркибида шакар моддаси миқдори 30 %дан ошади, помидор таркибида қуруқ моддалар улуши 5,5 %дан юқори бўлиб, бу кўрсаткичлар Европа мамлакатларидаги ўшбу маҳсулотларни етиштирувчи корхоналар кўрсаткичлардан анча юқори¹.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси рақобат афзалликларига яна қўйидагилар киради:

- ҳўл мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида сотиш имкониятини берувчи табиий-иқлим шароитлари;
- мева-сабзавот маҳсулотлари сифат даражаси, хусусан экологик тозаллигини таъминловчи ер ресурсларининг мавжудлиги;
- малакаси ва интизоми нисбатан юқори бўлгани ҳолда ишчи кучининг арзонлиги;
- илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражасининг юқорилиги;
- нисбатан инфратузилманинг ривожланганлиги (транспорт коммуникацияси, электрлаштириш даражаси).

Ўзбекистон Марказий Осиё ва қўшни минтақалар орасида мева-сабзавот етиштириш ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт қилишда етакчи давлат ҳисобланади. Бу эса, мазкур минтақада рақобат афзаллигини вужудга келтиради. Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатларга мазкур турдаги маҳсулотларни экспорт қилишда сарфлаётган транспорт харажатлари ўшбу ҳудудларга индустриал мамлакатларнинг экспортда транспорт харажатларига нисбатан паст. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотларининг ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар бозорларида рақобатбардошлик даражасини оширишнинг ўлкан имкониятлари мавжуд.

¹ Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Марказий Осиё ва қўшни минтақалар орасида мева-сабзавот етиштириш ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт қилишда етакчи давлат ҳисобланади. Бу эса, мазкур минтақада рақобат афзаллигини вужудга келтиради. Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатларга мазкур турдаги маҳсулотларни экспорт қилишда сарфлаётган транспорт харажатлари ушбу ҳудудларга индустриал мамлакатларнинг экспортда транспорт харажатларига нисбатан паст. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотларининг ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар бозорларида рақобатбардошлик даражасини оширишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Фикримизча, ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мева-сабзавотчилик соҳасидаги фаолият юритувчи агросаноат фирмаларининг мева ва сабзавотларни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга турли кўринишларда (хўл мева, консерваланган, қуритилган ва ҳ.к.) етказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий, иқтисодий ва технологик масалаларни ягона тизим доирасида мувофиқлаштириш, шу билан бирга сақлаш тизимини ривожлантириш имкониятлари юқорироқ бўлади.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу иқлим шароитининг қулайлигидир. Республиканинг асосий ҳудудларида ўсимликларнинг вегетация давридаги умумий ҳарорат 40-45 °С ни ташкил қилади. Мазкур иқлим шароити мева ва ўзумнинг хилма-хил навларини турли муддатларда етиштириш ҳамда улардан ширага бой қуруқ мевалар, майиз ишлаб чиқариш имконини беради. Жумладан, кечпишар, баҳоргача сақланадиган олма, хўраки (ошхонабоб) ўзум навлари, шунингдек вино ишлаб чиқариш учун винобоп ўзумлар етиштириш имкони бор.

Шунингдек, Ўзбекистон иқлимининг яна бир ўзига хослиги – вегетация даврининг узоқ муддатлилиги яъни, 180-250 кун давом этиши ва унинг эрта бошланишидир (февраль-март). Бу нафақат мева, ўзум ва сабзавотларнинг турли навларини етиштириш, балки қўшни мамлакатлар орасида мазкур маҳсулотлар ҳосилини анча эртароқ йиғиб-териб олиш имконини беради.

Шунинг учун ҳам соҳа олимлари томонидан турли даврларда синовлардан ўтган, сайқалланган юқорида келтирилган тажрибалар таклифлар, кўрсаткичлар ҳамда билимлар мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари учун жуда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сонли “Мева-сабзавотчилик ва ўзумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва ўзумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари. – Т.: Адолат, 1999. 19-б.
5. Олимжонов О. ва бошқалар Фермер фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Тошкент, 2005.
6. Микулович Л.С. и др. Товароведение продовольственных товаров. 4-е изд., испр. – Минск: Выш. шк., 2010. - 416 с.
7. Джафаров А.Ф. Товароведение плодов и овощей. – М.: Экономика, 1979.
8. Михеева Е.Н., Сероштан М.В. Управление качеством, 2012 г.- <http://nashol.com/2015051184599/upravlenie-kachestvom-miheeva-e-n-seroshtan-m-v-2012.html>
9. Литвинова А.В. “Управление качеством продовольственных товаров: теория, методология, практика, под ред. Н.С. Яшина. - Саратов: Издат. центр СГСЭУ, 2004. 164 с.